ЗАМАХШАРИЙ АСАРЛАРИДА ИНСОНИЙ ФАЗИЛАТЛАР ТАЛҚИНИ

Н. Сулаймонова, К.Сулаймонова

Мақолада аллома Маҳмуд Замахшарийнинг “Навобиғу-л-калим” (“Нозик иборалар”) ва “Атвоқу-з-заҳаб” (“Олтин шодалар”) номли дидактик асарларидаги инсоний фазилатлар талқинига бағишланган қарашлари, панд-насиҳатлари ажратиб олиниб, таҳлил этилган.

***Калит сўзлар**: панд-насиҳат, ҳикматли сўз, инсоний фазилат, ростгўйлик, тўғрилик, адолат, вафодорлик, мурувват, сахийлик, кечиримлилик.*

В статье проанализированы этические взгляды и наставления средневекового мыслителя Махмуда Замахшари, отразившиеся в его дидактических произведениях “Навобигу-л-калим”(“Нежные выражения”) и “Атвоку-з-захаб” (“Золотые ожерелья”) .

***Ключевые слова**: наставление, афоризм, человеческое качество, правдивость, честность, справедливость, верность, великодушие, щедрость, милосердие.*

In this article views are chosen and analyzed, in its didactic work of the thinker Mahmoud Zamakhshari’s manuals «Navobigu-l-kalim» («Gentle expressions») and «Atvoku-z-zakhab» («Golden necklaces”).

***Key words**: moral views, manuals, aphorisms, human advantages, truthfulness, honestyt, keenness, courage, bravery, fidelity, generosity, humanity, mercy.*

Барча замонларда инсондаги гўзал фазилатлар қадрланиб, эъзозлаб келинган. Шунинг учун ҳам кўплаб алломалар инсонларда тарбияланадиган ижобий фазилатлар ҳақида классик мақомдаги асарлар яратганлар. Кайковус, Форобий, Саъдий, Авлонийлар томонидан яратилган асарлар шулар жумласидандир. Айниқса, хоразмлик буюк аллома Маҳмуд Замахшарийнинг “Навобиғу-л-калим” (“Нозик иборалар”) ва “Атвоқу-з-заҳаб” (“Олтин шодалар”) каби дидактик асарларида акс этган инсоний фазилатлар ҳақидаги қарашлари бугунги кунда ҳам ўзининг маънавий-маърифий аҳамиятини йўқотган эмас.

Инсоний фазилатлар деганда, биринчи навбатда, кечиримлилик қайд этилади. Чунки айрим кимсалар арзимас нарсаларни йиллар давомида хотирасида сақлаб, ўзини ҳам, атрофдагиларни ҳам ташвишга солиб юради. Бу омил, айниқса, таълим муассасаларида муҳим аҳамият касб этади. Зеро, таълим жараёнидаги муносабатлардаги кўнгилсизликлар, уларни унутмаган ҳолда кек сақлаб юриш тарбиявий ишларни тўғри йўлга қўйишга жиддий тўсқинлик қилади. Аслида бу муаммо кечагина юзага келган эмас. Шунинг учун ҳам алломаларимиз бу борада бир қатор фойдали тавсияларни бериб ўтганлар. Улар орасида, шубҳасиз, Маҳмуд Замахшарийнинг фикрлари алоҳида эътиборга молик. Замахшарий айтадики, “*Одамларнинг энг хотири кучлиси уларнинг ичидаги энг унутувчисидир, кўнгилларнинг энг юмшоғи салобатлигию шафқатлисидир*” [1.49]. Зеро, кечиримли бўлиш ақлли кишиларга хос фазилатдир. Шунинг учун ҳам Замахшарий “*Ақл чақириғига ҳаракат ижроси билан жавоб берган киши закийларнинг закийидир*”, -дейди [2.105].

Маҳмуд Замахшарий томонидан фазилат сифатида эътироф этилган хислатлардан яна бири – эҳтиётқорлик. Чунки, халқона тилда айтилганидек, “етти ўлчаб бир кесишда”, аввало, мулоҳазалилик, режалилик, бирор ишни аввалдан ўйлаб қилиш англанади. Бу сифат эса инсонларгагина хосдир. Шунинг учун ҳам Замахшарий “Эҳтиёт бўлиб иш тут,

ғолиб бўласан", – деган шиорга амал қилган ҳолда "*Эҳтиёт билан иш тутувчи ҳар бир одам тўғри йўлдан бурилмас*"лигини таъкидлайди [2.99].

Замахшарий инсоний фазилатлар ичида инсофлиликни алоҳида ажратиб кўрсатади. Аллома айтадики, "*Инсофли одам биродарининг ҳақини ейишни ёмон кўргани учун уни эгасига беради*" [2.95]. Шунингдек, хулқ инсоний фазилатлар ичида зийнат эканлигига ишора қилиб, "*Хулқи тўғри киши ҳодисаларнинг ичига юради, аҳмоқ эса ундан суғурилиб чиқади*", – дейди [2.76].

Инсонларга хос фазилатлар ичида биринчи ва иккинчи даражали, муҳим ва унча муҳим бўлмаган вазифаларни таснифлаб, уларни бажаришга муайян мантиқий ёндашув асосида ақл, зийраклик ва мулоҳазалилик билан киришиш муҳим аҳамият касб этади. Бу муҳимлик барчага – мактаб ўқувчисига ҳам, олий таълим муассасаси талабасига ҳам, мутахассис ходимларга ҳам тааллуқлидир. Зеро, ишнинг пировард натижада режадагидек якунланиши айнан шу омилга боғлиқ. Шунинг учун ҳам, ўсиб келаётган ёш авлодда шу каби фазилатларни шакллантириб бориш муҳим аҳамият касб этади. Маҳмуд Замахшарий бу борада ҳам ибратли фикрларни баён этган. Чунончи, аллома айтадики, "*Ақл-идрок ва шариатга амал қилиб иш тутган банда асл ва иккинчи даражали мақсаду матлабларини жам қилиши муқаррардир*" [1.65]. "*Зийрак, мулоҳазали, сабрли киши дунё ва охиратда фойдаси бор ишда ҳеч тўхтамас*" [2.91].

Инсонларга хос яхши фазилатлар сирасига, шубҳасиз, ростгўйликни киритиш ўринли бўлади. Чунки жуда кўп кўнгилсизликлар асосида рост гапни айтиш жасоратининг етишмаслиги, ёлғончилик ётади. Бу ҳолатни Замахшарий табиат ҳодисасига қиёслаган ҳолда шундай таърифлайди: "*Момақалдироқли ёмғирнинг ёғиши ростгўй (ҳақгўй) кишининг ваъдасига вафо қилиши мисоли ёқимлидир*" [1.55]. Шунинг учун рост гапириш, берилган сўзнинг устидан чиқиш инсонларга болалик чоғидан сингдириб борилиши лозим. Шундагина баркамол авлод тарбиясининг иморатига яна битта мустаҳкам ғишт қўйган бўламиз. Шунинг учун ҳам Замахшарийда ваъдага вафо қилиш ва бу борада ҳалол бўлишга чорловчи қатор даъватларни кўрамиз, масалан: "*Ҳалол-покиза киши доимо хотиржаму тинчликдадир, бировга хиёнату ёмонлик қиладиган киши эса ҳалокатга гирифтордир*" [1.52].

Таъкидлаш жоизки, табиатан барча кишилар бирдек комиллик аломатларига эга бўлавермайди. Одатда, жамоа ичида, жамиятда бошқалардан кўра ўктамроқ, оқилрок кишилар бўлади. Уларнинг вазифаси ўзларидаги доноликдан атрофдагиларни имкон қадар кўпроқ баҳраманд қилиш бўлса, атрофдагиларнинг вазифаси улардан кўпроқ сабоқ олиб, яхши фазилатларини ўзлаштириш, фаолиятларига татбиқ этишдан иборат. Замахшарийнинг бу борадаги фикрлари ҳам ибратлидир. Алломанинг айтишича, "*Олижаноб ва шариф киши шундай кишики, у ҳозир бўлмай ғойиб бўлганида унинг суҳбатини хоҳлаб, мулоқотини орзу қиладилар, башарти у (суҳбатга) келиб қолса, унинг ҳайбатидан сергакланиб ҳушёр тортадилар*" [1.60]. Замахшарийнинг "*Мард ва олижаноб кишининг энг гўзал фазилатларидан бири ўз биродарининг айбларини беркитиб, унинг барча ишларини бамисоли ўзининг ишлари ўрнида кўриб иш тутишидир*" [1.73], – деган сўзлари юқоридаги фикрнинг яна бир исботидир. Комилликка элтувчи йўлда амал қилинадиган қоидалар мажмуида "Яхшига ёндашсанг – етарсан муродга" дейилади. Замахшарий бу қоидани шундай таърифлайди: "*Кимки бахт-иқболли, солиҳ кишиларнинг этагига ёпишса, у албатта муроду мақсадига эришиб, хайру барака топар*" [1.73].

Инсон шундай яралганки, зийрак кишилар унинг хулқи, дунёқараши, қисқа қилиб айтганда, феъл-атворидаги жиҳатларни пайқаши мумкин. Айниқса, замонавий психология фанида бу омил махсус ўрганилиб, илмий хулосалар чиқарилган. Замахшарийнинг инсонларга хос яхши фазилатлар ҳақидаги фикрлари шуниси билан аҳамиятлики, у инсонлар руҳиятини чуқур ўрганган ҳолда муайян фикрни баён этган. Шу жиҳати билан унинг қарашлари бугунги кунда ҳам ўзининг илмий-амалий нуфузини йўқотмаган ва баркамол авлод тарбиясида муҳим аҳамият касб этади. Замахшарий инсоннинг феъли аслига далолат эканлигига ишора қилиб шундай дейди: "*Карамли инсон зулмга рўбарў қилинса, тийилади. Шариф инсонга хорлик исталса, юз буради. Ҳилм ишларидан ўзига суянч ясаган виқор эгаси зулмдан хавфсирайди, ҳуркиб қочади, токи у панжа уриб ташланмасин, ўткир тирноқларини ботириб жароҳат етказмасин. Зулмдан бундай тийилиш ва юз ўгириш ота-боболари шариф бўлганлардан ўзгаларда кам учрайди. Асли тоза бўлмаган кишида хайр йўқ. Итнинг думи на эт бўлишга, на ёғ бўлишга ярайди*" [2.34].

Халқимизда аждодларимиз топиб айтган ва бугунги кунда ҳам зиёлиларимиз тез-тез эслатиб турадиган бир ибора бор: "Ё аслинг каби кўрин ё кўринганингдек бўл". Бу қоида Замахшарий тилидан шундай таърифланган: "*Одамнинг сиртию ботини (ичи) тўғри, саломат ва тузук бўлса, унинг зоҳири (ташқариси) ҳам сахий ва салим бўлур*" [1.52]. Дарҳақиқат, сиртию ботини бир хил одамларда улуғворлик, ўзига хос виқор сезилиб туради. Чунки улар одамлар қаршисида қандай бўлсалар, шундайликларича намоён бўладилар. Улар маънавий гўзал инсон намунаси сифатида тараннум этилади. Замахшарийда ҳам комилликнинг бу сифатига ўзига хос таъриф мавжуд: **"*Сиймонг гўзаллиги ва юзинг чиройи ойнинг тулуъ (чиқиши) кечасидан бир белги каби дилу кўнгилларга шодлик бахш этар***" [1.53].

Замахшарийнинг комил кишига берган таърифида сахийликка ҳам алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, аллома "***... сахий, карим киши ҳар жойда иззату икромда бўл***"ишини алоҳида таъкидлайди [1.68]. Алломанинг "*Мурувват бир сифатки, Оллоҳнинг рози-*

лигига лойиқ. Саховат бир табиатки, у ҳақда қанча гапирилса, шунча муносиб" [2.39] деган қарашлари юқоридаги фикрларни яна бир бор мустаҳкамлайди.

Тарихдан маълумки, қадимги аллома аждодларимиз билим истаб турли ўлкаларга саёҳат қилганлар. Бунга имом Бухорий ва Маҳмуд Замахшарийларнинг ҳаётини мисол қилиб келтиришнинг ўзи кифоя. Бу саёҳатлар давомида улар нафақат илм ўрганганлар, балки ўзга юртлардаги одамларнинг ҳаёт тарзини, руҳиятини, дунёқарашидаги хусусиятларни, улар амал қиладиган ҳаётий қонуниятларни мақсадли тарзда ўрганганлар. Шунинг учун ҳам улар саёҳатни илм ўрганиш, оламни англаш воситаси сифатида қабул қилганлар. Маҳмуд Замахшарий бу хусусда шундай дейди: "*Баланд тоғларга кўтарилиб ва пастликларга тушиб сафар қилиш уйда, деворлар ичида, машаққатлар орасида оч ўтиришдан авлодир (хайрлидир)*" [1.61]. Бу фикрнинг давоми, яъни саёҳатни комилликка эришиш омили ўлароқ талқин этиб Замахшарий шундай фикр билдиради: "*Кимки денгиз тўлқинларини бошидан кечириб сафар қилмаса, турли-туман ташвишу машаққатларнинг сувидан ичмаса, инсон (ҳақиқий) роҳату фароғатга муяссар бўла олмас*" [1.72].

Комил инсонга хос фазилатлардан бири, шубҳасиз, одамлар дардига шерик бўла олишдир. Чунки одамнинг бошида яхши ва ёмон кунлар ёнма-ён юради. Яхши одам қайғули, изтиробли кунларда яқинлари дардига шерик бўлиб, оғирини енгил қилиши, ташвишдан фориғ бўлишларида ҳамдард бўлиши лозим. Замахшарий инсонлардаги бу сифатни "*Одамларнинг энг азиз ва ҳурматлилари қайғу-ҳасрату ташвишли дамларда билинур...*" [1.53] тарзида таърифлайди.

Табиатан шундай одамлар борки, улар хато, баъзан гуноҳ иш қилган бўлсалар ҳам, айбларига иқрор бўлмасдан, тавба қилмасдан, такаббурлик билан умр кечирадилар. Аслида уларни ички бир туйғу кемириб боради. Шунинг учун Замахшарий айтганидек, "*Тавба қилган киши умрининг ниҳояси (хотимаси) умрининг бошидек (яъни, онадан туғилган куни каби гуноҳсиздир), унинг ишлари Аллоҳ таоло наздида айбли бўлмайди*" [1.62].

Бу дунё ибрат макони, дейди донишмандлар. Фақат уни кўрмоқ, англамоқ даркор. Бунинг учун у мудроқ эмас, балки уйғоқ, зийрак бўлиши талаб этилади. Шу маънода комилликка интилувчи ҳар бир шахс атрофдаги ибратли ҳолатлар, вазиятлар, ҳаракатларни таҳлил қилиш, англаш, хулоса чиқариш ва уни ўз фаолиятига татбиқ этиш кўникмаларига эга бўлиши лозим. Бу борада Маҳмуд Замахшарийнинг "*Зийрак, фикр увадаларидан узоқ, ғариб ва назари тийрак қалбни уйқу элитмайди. Магар у доим уйғоқ, зикрда. Битта гизли, махфий нигоҳдан насиҳат излайди, топади. Сўнгсиз ва узоқ тикилган нигоҳдан ибрат олади. Осмонга тикилиб, ғуж-ғуж юлдузларни кўрар экан, ибратланади*", [2.28] – деган фикрлари ғоят таъсирлидир. Шундагина инсон комил шахс сифатида тан олиниши ва бу мураккаб дунёда ўз ўрнига эга бўлиши мумкин. Буни Замахшарий шундай таърифлайди: "*Ишларда жиддийлик, енгни шимариш, фикрнинг пишиб, маромига етиши, ортиқча илтифот ва тилёғламаликни тарк қилиш, аниқ ва мустаҳкам билиш, муҳим нарсани илғашдаги тезлик ва алам етказувчи нарсалардан ҳимояланишда кенг қадам босиш – шундай майдонки, у майдонда юқоридаги сифатларнинг биттасига фарзанд бўлган киши (яъни мазкур сифатларнинг ҳар бирини "она" десак, шу оналардан биттасига фарзанд бўлган киши) бу майдонда чопа олади*" [2.76].

Замахшарий инсоний фазилатлар ичида тўғрилик, ҳақ йўлида собитқадамлик билан ҳаракат қилишга муҳим сифат тариқасида қараган. Алломанинг "*Тўғри ва ҳақ йўлдан юрган кишининг юриши арслон юришидан кўра ҳам(ҳайбатлироқ)дир*" [1.52], – деган фикри инсон томонидан танланадиган тўғри йўлнинг нақадар муҳимлигига бир ишора ҳисобланади. Бу фикрга қўшимча тарзда у "*Кўпчилик одамлар ҳақиқатдан йироқдир, уларнинг талаб ва даъволари ёлғону бўҳтондир, сўзларию ишлари ўзларига мувофиқ*"лилигини алоҳида таъкидлайди [1.53]. Шунингдек, Замахшарийнинг адолат ва ҳақиқат тўғрисидаги "*Қуёш нурларини беркитиб бўлмаганидек, ҳақиқатнинг чироғини ҳам сўндириб бўлмас***"** [1.60], "*Адолат сувига тўлиб-тошган булоқ сайқалланган кўзгудан софроқ, сўзни мўлжалга урадиган балиғ (мукаммал, етук) тилдан ўткирроқдир*" [2.95] каби фикрлари унинг бу борадаги қарашлари нақадар асосли эканлигидан далолат беради. Шунинг учун ҳам Замахшарий инсонларни комиллик йўлида "*Адолат билан бирга бўлиб, зулмдан чекин*"ишга даъват этади [2.83].

Замахшарийнинг инсоний фазилатлар ҳақидаги қарашлари қуйидаги афоризм билан муштараклик касб этади: "*Адолат ҳақиқатни айтиш ва тинглашдан бошланади*". Бу сифат инсон маънавиятининг муҳим кўрсаткичи, комиллик белгисидир.

Адабиётлар:

1.Абу-л-Қосим Маҳмуд аз-Замахшарий. Нозик иборалар. Шарҳлар муаллифи ва таржимон У.Уватов. – Т.: Камалак, 1992. – 80 б.

2.Фозил Зоҳид. Замахшар тасбеҳи. – Т.: Муҳаррир, 2011. – 144 б.

Тошкент давлат педагогика университети,
Тошкент давлат шарқшунослик институти
2015 йил 5 октябрда қабул қилинган
(Тақризчи: п.ф.н. М.Иноятова)